



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 1 январь, № 1 (8344)

Якшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.
2022 йилда машаққатли ва жасоратли меҳнатимиз билан тараққиёт йўли-

да муҳим марраларга эришдик. Инсон қадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш борасида янги қадамлар кўйдик.

Дунёдаги гоят мураккаб вазият, глобал инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Саноат, қурилиш, рақамли технологиялар, туризм соҳалари жадал ривожланмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз ҳар томонлама обод бўлмоқда.

Янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси ошмоқда.

Ёшларимиз халқаро майдонларда истеъдод ва маҳоратини намойён этиб, Ватанимизни дунёга танитмоқда.

Халқ овози бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кучаймоқда.

Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик ҳукм сурмоқда.

Ўзбекистонимизнинг ҳақон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалмоқда.

Шу қутлуғ айёмда эришган барча ютуқларимизнинг бунёдқори бўлган сиз, азиз юртдошларимга, бутун халқимизга яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Мамлакатимизда 2023 йилга **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном бердик.

Янги йилда инсонни қадрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларимизни юқори босқичга кўтарамиз.

Фарзандларимиз сифатли таълим ва

тарбия олиб, баркамол шахс бўлишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Мухтарам фахрийларимиз, азиз аёлларимиз, шунингдек, ёрдамга муҳтож инсонлар учун муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Илм-фан, тиббиёт, маданият ва санъат соҳалари вакилларини, ўқитувчи ва мураббийларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Мухтасар айтганда, жонажон Ватанимизда ҳеч бир инсон жамиятимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборидан четда қолмайди. Бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Қалбларимиз пок ниятларга тўлиб турган ушбу қувончли лаҳзаларда сизларни, бутун халқимизни янги — 2023 йил билан яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа, оилавий бахту саодат тилайман.

Янги йилнинг қадами қутлуғ келсин!

Барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2023 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий табриклар келмоқда.

Қутловларда мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган, олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг самарадорлиги қайд этилган.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига янги муваффақиятлар ва фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва рағнақ тилақлари изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль**;

Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Риши Сунак**;

Италия Республикаси Президенти **Серджо Маттарелла**;

Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда**;

Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс**;

Сингапур Республикаси Президенти **Халима Ёқуб**;

Мўғулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух**;

Лаос Халқ-Демократик Республикаси Президенти **Тхонгун Сисулит**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;

Қувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;

Ироқ Республикаси Президенти **Абдуллатиф Рашид**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Янги Зеландия Генерал-губернатори **Синди Кири**;

Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари **Мария Луиза Берти ва Мануэль Чаватта**;

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**;

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань**;

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцянь**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;

Иқтисодий тараққиёт ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти бош котиби **Йенс Столтенберг**;

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Йилнома

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

Яқунланган йилда Ўзбекистон ташқи сиёсати ўзининг сермахсуллиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб турди.

Хусусан, Президентимиз 2022 йилда 70 дан зиёд мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва турли идоралар раҳбарлари билан учрашув ва музоқаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари 12 мамлакатга ташриф буюрди. Президентимиз юртимизга

келган 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, парламент етакчилари ва ташқи ишлар вазирларидан иборат делегацияларни, нуфузли ташкилотлар вакилларини қабул қилди. Утган йили республикамизда Президентимиз ташаббуси билан 10 дан зиёд олий ва юксак даражадаги халқаро конференция, анжуман ва сессиялар уюштирилди.

Январь

2 январь. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Президентининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан табриклади.

19 январь. Давлатимиз раҳбари Россия Федерацияси Президенти Администрация раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлари янада кенгайтириш, халқаро ва минтақавий вазият юзасидан фикр алмашилди.

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеоанжуман шаклидаги учрашувида иштирок этди. Саммит якунида Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар ҳим масалаларига доир умумий ёнда-

шувлар акс этган Қўшма баёнот қабул қилинди.

27 январь. Давлатимиз раҳбари видеоанжуман шаклида ўтган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” биринчи саммитида иштирок этди. Саммит якунида Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва кўп қиррали шериклики янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар баён қилинган Деҳли декларацияси қабул қилинди.

Халқ дейдики...

2022 ЙИЛ: ХОТИРАЛАР, ТАҲЛИЛЛАР, ХУЛОСАЛАР

Мана, 2022 йил ҳам поёнига етиб, янги йилни кутиб олдик. Утган йил янгиланаётган Ўзбекистон учун қувонч ва зафарларга бой бўлди. Тўғри, ташвишли кунларни ҳам кўрдик. Бироқ 2022 йилни яхлит полотно сифатида кўз олдимишга келтирсак, ундаги манзаралар — инсон қадрини улуғлашга қаратилган бетимсол ишлар, бунёдкорликлар, Ватанимизнинг дунё саҳнида ўз ўрнига эга бўлиб бораётгани кўз ўнгимизда ёрқин бўёқлар билан намойён бўлади.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда ҳар биримиз умримизнинг ўтган яна бир доволани сарҳисоб қиламиз. Йўл қўйган камчиликларимиздан, бой берилган имкониятлардан тегишли хулоса чиқарсак, қўлга киритган ютуқларимиздан севиниб, руҳимиз кўтарилди. Олдимизга янги мақсадлар, улкан режалар қўямиз.

Юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари, дил сўзларидан буни яна бир бор яққол англаймиз.

4-саҳифага қаранг. ➡

НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА



саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Шайбоз Шариф бошчилигидаги делегация билан музокара ўтказди. Шунингдек, Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан учрашув ўтказди.

14 октябрь. Давлатимиз раҳбари Муштақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди. Шу куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Россия” саммитида катнашди. Шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

19 октябрь. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хақалани давлатимиз раҳбари қабул қилди.

20-21 октябрь. Президент Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан мамлакатимиз етакчиси расмий таширф билан Туркманистонда бўлди. Саммит якунида устувор йўналишлар бўйича ўндан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Ашхобод шаҳрида “Тошкент” боғининг очилиши, “Хоразм — Тошовуз” чегараолди савдо маркази қурилишининг бошланиши таширфнинг муҳим воқеаларидан бўлди.

24 октябрь. Давлатимиз раҳбари Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари — санаот ва савдо вазири, қўшма Ҳукуматларо комиссия хамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Комиссия фаолиятининг асосий натижалари, шу жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

27 октябрь. Мамлакатимиз Президенти давлат

раҳбарларнинг “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматдаги биринчи мажлисида иштирок этиш учун амалий таширф билан Остона шаҳрида бўлди. Шу куни Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити доирасида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашди.

28 октябрь. Давлатимиз раҳбари юртимизга келган Европа кенгаши Президенти Шарль Мишелни қабул қилди.

НОЯБР

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий таширф билан бўлиб турган Германия федерал таъқиби ишлар вазири Анналена Бербок бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

7 ноябрь. Мамлакатимиз Президенти Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди. Учрашув кун тартибидан мамлакатимиз ва БМТнинг ушбу нуфузли иқтисодлашган ҳукуматларо тузилмаси ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

8 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳри губернатори Александр Беглов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

10-11 ноябрь. Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳ-

барларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан музокара ўтказди. Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари Режеп Таййип Эрдоган, Қосим-Жомарт Тоқаев, Садр Жапаров ҳамда Туркманистон парламенти раҳбари Гурбангули Бердимухамедов билан мулоқотда бўлди.

15 ноябрь. Тошкентда ўтган Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси доирасида Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле билан учрашув ўтказди.

16 ноябрь. “Қўқсарой” қароргоҳида давлатимиз раҳбари Хоржий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси ҳамда ЕИ ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича Самарқанд конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашув ўтказди.

Ҳудди шу куни айни анжуман доирасида юртимизга келган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Каролин Лэм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Шунингдек, Президент “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайан, “Сengiz Enefi” компанияси бошқаруви раиси Мехмет Жениз ҳамда “Calik Holding” компанияси бошқаруви раиси Ахмет Чалики қабул қилди.

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТТ) бош котиби Хельга Шмид билан музокара ўтказди.

18 ноябрь. Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррелни қабул қилди.

21-22 ноябрь. Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан мамлакатимиз етакчиси расмий таширф билан Францияда бўлди. Унда устувор соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Франциянинг етакчи компаниялари вакиллари ва қатор расмийлар билан ҳам учрашув ўтказди. Музокаралар якуни бўйича қатор манфаатли битимлар имзоланди.

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги Россия парламент делегациясини қабул қилди.

давлат улушини сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлат таширфи билан мамлакатимизга келди. Икки кунлик таширф давомида Президентлар таърихий ҳужжатлар — Иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида шартнома ва Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

26-27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан ўтказилган МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти 2022 йил майдонида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан Қозоғистон (15), Россия (10), Қирғизистон (7), Туркманистон (8), Тожикистон (6), Туркия (6), Озарбайжон (3), Беларусь (2), Германия (2), Покистон, Венгрия, Арманистон, Япония давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда Европа кенгаши Президенти билан жами 67 маротаба телефон орқали мулоқот қилди.

2022 йилда Ўзбекистон халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг юксак даражадаги конференция ва сессияларига мезбонлик қилди

3-4 март. Тошкентда юқори даражадаги “БМТ Глобал ақсилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” халқаро конференцияси ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг анжуман иштирокчиларига Мурожаати йўналди.

24-26 март. Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилди. Форумнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Унда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳамда жаҳоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари, мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлган давлатларнинг юқори даражадаги вакиллари иштирок этди. Сессияда, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Осиё тараққиёт банки президенти Масацугу Асакава, Саудия Арабистони подшоҳлиги инвестициялар вазири Халид ал-Фалих, Жаҳон савдо ташкилоти вице-президенти Сянчен Чжан, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки вице-президенти Константин Лимитовский, Халқаро молия корпорацияси вице-президенти Стефани фон Фридербург қатнашди.

26 июль. Тошкентда Президент Шавкат



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Йил якунида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, сарҳисобини юритиш ва шу асосда келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш нафақат ҳар бир инсон, балки барча идоралар учун ҳам фойдали. Шу маънода, парламент қуйи палатаси томонидан 2022 йилда бажарилган чора-тадбирлар сарҳисобига қисқача тўхталиб ўтсак.

Сарҳисоб

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилда бажарган ишларининг қўламини фойда кенг, десак, айни ҳақиқат.

Жумладан, парламент қуйи палатаси фаолиятида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури ҳамда Қонунчилик палатасининг 2022 йил биринчи ва иккинчи ярим йиллигидаги фаолиятининг муҳим йўналишлари асосида ташкил этилиб, мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилётган изчил ишларнинг ҳуқуқий мезонларини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, барча соҳада амалга оширилётган ислохотларда парламентнинг ролини кўчатириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳолатини фаолияти устидан парламент назоратини юритиш борасида олиб борилаётган ислохотлар қуйи палата фаолиятини янгилаш ва замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш учун мустаҳкам замин яратди.

Яқунланган йилда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш йўналишларидаги ишлар янгилаш мазмун-моҳияти касб этиб, палата фаолиятига сифат жиҳатидан янги шакл ва усуллар ҳамда амалиётлар кириб келди.

ва сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни тизимли равишда ўрганиш амалиёти изчил давом эттирилди.

Утган даврда депутатлар 9 марта ўз сайлов округларидан бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар, очик мулоқотлар ўтказишди, ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросини ўрганиб, таҳлил қилдилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишларнинг бориши, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари тўғрисида сайловчиларга ақборот бердилар. Янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти сайловчиларга етказилди.

Ўз навбатида, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, ичкилик суғи, газ, электр энергияси таъминотини яхшилаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, таълим тизимини такомиллаштириш, йўл инфратузилмаларини яхшилаш борасида бажарилаётган ишлар самардорлиги ўрганиб берилди. Мулоқотлар чоғида сайловчилар кўтарган 15 миң 299 та масала бўйича депутатлар томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида 7 810 таси ҳал қилинган бўлди.

Шу билан бирга, аҳолини ўйлантириб келаятган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси мажлисларида Ҳукумат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг 4 марта ақбороти (“парламент эшитиш”) эшитилди. Бевосита сиёсий партиялар фракцияларининг таклифлари асосида 8 марта “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда 8 нафар ҳукумат аъзосининг депутатлар саволларига жавоблар тингланди. Сайловчилар томонидан қўйилаётган ўткир масалалар юзасидан асосланган ташкилоти устидан бериш ёки нуктаи назарини баён этиш талаби билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига 15 та парламент сўрови, 310 депутат сўрови юборилди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўйилган масалалар томонидан жами 193 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Қўрилган ана шундай чора-тадбирлар, давлат ва ҳўжалик бош-

қаруви органлари мансабдор шахсларига юборилган сўровлар натижасида сайловчилар томонидан кўтарилган бир қатор муҳим иқтисодий-иқтисодий масалалар ижобий ечим топди.

Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ҳам тубдан такомиллаштириб, “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода ҳал бўлиши шарт” деган устувор тамойил асосида қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг илгари мавжуд бўлмаган қатор демократик тартиб-қоидалар жорий этиляпти.

Ҳисобот даврида Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида жами 153 та қонун лойиҳаси, шунингдек, 3 та маъмурий-ҳудудий тузиллиши масаласи билан боғлиқ қарор лойиҳаси бўлди. Жами 88 та қонун (117 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган), шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузиллиши масаласига оид 3 та қарор қабул қилиниб, маъмулият учун Сенатга юборилди.

Қайд этиш жоизки, депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги фаолияти сезиларли даражада жонланди. Утган даврда жами 13 та қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Қонунчилик палатасига киритилди.

Утган даврда булун бир соҳани тартибга солувчи ҳажм жиҳатидан катта бўлган бир қатор ялпит қонунлар кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Давлат қарзи тўғрисида”ги, “Давлат мулкнинг бошқариш тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги, “Солиқ маъмулиятига оид фаолият тўғрисида”ги, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Почта алоқаси тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги, “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда парламентга берилган ваколатлар ҳукумат фаолияти устидан таъсирчан назоратни олиб боришда парламент иштирокчи сезиларли даражада иштирок этди. Шу нуктаи назардан, жорий йилда ҳам Қонунчилик палатаси томонидан давлат бошқаруви органлари ижроси, мамлакатни социал-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларини амалга ошириш бўйича фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилиб, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларнинг парламент олдига ҳисобдор-лигининг комплекс тизими яратилди.

Утган даврда Қонунчилик палатаси мажлисларида Ҳукумат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан жами 20 маротаба ақбороти (“парламент эшитиш”) тингланди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг қонунлар билан белгиланган ваколатлари доирасида Давлат дастури ва Давлат бюджетининг ҳар чоракдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботлари кўриб чиқилди. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши юзасидан мансабдор шахслар ҳисоботлари доимий равишда эшитиб борилаётган.

Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари мажлисларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг муҳим масалалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари 74 марта эшитилди, қўйилган ҳисоботларнинг 74 марта эшитилиши, қўйилган ҳисоботларнинг 74 марта эшитилиши ижро этилиши ҳолатини ўрганишга, уларнинг амалиётда қўлланишини мониторинг қилишга ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ақборотини эшитиш юзасидан 193 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.

Парламент назоратининг таъсирчан шаклларидадан унумли фойдаланган ҳолда ўтказилаётган ушбу тадбирлар мамлакатимизнинг

Мирзиёев ташаббуси билан “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Нуфузли анжуман иштирокчиларига давлатимиз раҳбари кутлов йўллади. Конференцияда БМТ Бош котибининг вакили Маркус Потцел, Европа Иттифоқи ва мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари давлатлари махсус вакиллари иштирок этди.

8-9 сентябрь. Тошкент шаҳрида жаҳон мамлакатлари парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити муваффақиятли ўтди. Мамлакатимиз Президенти Парламентларо итифоқ расмийларини қабул қилди.

Саммит кун тартибидан демократик ва иқтисодий-иқтисодий янгиланишларни қўллаб-қувватлашнинг самарали институтларини ривожлантириш, гендер сиёсати амалга оширишга доир глобал ва минтақавий аҳамиятга эга муҳим масалалар ўрин олди. Саммитда БМТ, Парламентларо Иттифоқ ва унга аъзо мамлакатлар парламентлари палаталарининг аёл-спикерлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби халқаро ташкилотлар раҳбарлари, 17 давлатдан 120 дан ортқ парламент вакиллари иштирок этди.

15-16 сентябрь. Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси тадбирлари бўлиб ўтди. Саммит ишида ШХТга аъзо мамлакатлар — Покистон Иқтисод Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлатлар — Беларусь Республикаси, Мўғулистон ва Эрон Ислам Республикаси етакчилари иштирок этди. Фаҳрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркманистон ва Арманистон Республикаси, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига Мурожаат йўллади. Тадбирда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки сингари нуфузли ташкилотлар вакиллари ва салоҳиятли инвесторлар қатнашди.

14-15 ноябрь. Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Конференциянинг очилиш маросимида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Анжуманда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатларидан вакиллар таширф бурюди.

16 ноябрь. Президент ҳузуридаги Хоржий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси ўтказилди. Мажлисда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, дунёнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари, шунингдек, халқаро молиявий институтлар — Жаҳон банки, Халқаро молиявий корпорация, Осиё тараққиёт банки ва Ислам тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

17-18 ноябрь. Самарқандда “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги биринчи халқаро конференция ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев халқаро конференция иштирокчиларига мурожаат йўллади. Тадбирда Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррель, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирилари, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки раҳбарлари қатнашди.

«Халқ сўзи».



